

## УНУТМАЙЛИККИ ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ КЕЛАЖАК БЎЛМАЙДИ

*Ғайрат Ибрагимов Тожиевич*

*Сурхондарё вилояти Денов туманидаги*

*32-мактабнинг Бошланғич синф ўқитувчиси .*

**Аннотация:** *Мамлакат, Ўзбекистон, тарих, хотирасиз келажак йўқ, ўтмишни англаш, ўтмишни англаш, тарихий асарлар, маънавий ҳаёт, тарихий илмий анжуман.*

**Калит сўзлар:** *Тарих, ўтмиш, келажак, тарихий хотира, ўтмишни англаш, анжуман, маънавий ҳаёт.*

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, юртимизда мисли кўрилмаган ўзгаришлари юз бердики, биз буни фақат ва фақат фахр билан тилга оламиз. Аввало шуни эътироф этиб ўтиш лозимки, Тарихий хотирасиз келажак ҳам бўлмайди. Шу боисдан ҳам мактабларда , касб-хунар коллежлари, Академий лицей ҳамда Олий ўқув юртларида тарих фанининг ўқитилишига алоҳида эътибор қаратилган. Кейинги йилларда Республикамизда жаҳон миқёсида илмий анжуманлар ўтказилиб келинмоқдаки, бунинг ҳам туб замирида ўтмишни англаш, буюк аجدодларимизга муносиб ворис бўлишдек ғоя ётади. Кўриниб турибдики, ўз-ўзидан тарих фани ривожланиб кетди. Шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, одатда тарихий асарлар асрлар оша яшаб, моддий ва маънавий ҳаётда муҳим ўрин эгаллайди. Ўтмиш ва ҳозирги замон тарихини ўрганишда аввало инсоннинг ўзида иштиёқ бўлиши керак. Биринчидан, маълумки, Туркистон ўлкаси умуминсоният тараққиётининг йирик ўчоқларидан бири ҳисобланади. Аммо минг афсуски, бу қадимий даврларга тегишли ёзма маълумотлар ўзаро урушлар, табиий офатлар ва чет эл босқинчиларининг тажовузлари орқасида камдан-кам сақланган. Айниқса, араб халифалигининг ҳужумлари маданий меросни йўқ қилди. Бу ҳақда буюк аллома Беруний шундай ёзган эди: **“712 йилда араб лашкарбошиси Қутайба**

**ибн Муслим ўлкага бостириб кириб хоразмликларнинг ёзувини билган, уларнинг ривоятларини сақлаб қолган барча кишиларни, улар орасидаги барча олимларни имкони борича қувғин қилди ва кириб юборди, натижада уларнинг ўтмиши шу қадар зулмат билан чулғандики, энди биз бу ерга ислом кириб келган вақтда уларнинг тарихида бўлган воқеалар тўғрисида ҳақиқий билимга эга эмасмиз”.**

Шу тарзда маданий мерос ўлканинг бошқа жойларида ҳам ер юзидаи супуриб ташланди. Бунинг натижасида, эса маҳаллий ёзма манбалар бизгача етиб келмади. гарчи, Сўғд ва бошқа шимолий эроний тилларда ёзилган айрим ҳужжатлар мавжуд. Бирок, улардаги маълумотлар қисқа бўлиши билан бир қаторда, уларни ўқиб, мағзини чақадиган мутахассислар деярли йўқдир. Ҳозирда, қадимги даврга оид ёзма маълумотлар, асосан, юнон, лотин, хитой ва бошқа хорижий тиллардаги манбаларда сақланган холос. Уларсиз ўша замон тарихини тўла тасаввур этиб бўлмайди. Шунга қарамай, Тарих институтида кўрсатилган қадимий тиллар бўйича мутахассислар етиштиришга имкон берилмади. Энг қадимги тарих бўйича Москвада, Санкт-Петербургда ва бошқа жойларда бир ҳатор асарлар чоп этилди. Бу жуда яхши, лекин она-Ватанимиз тарихини ўзимиз ҳам ўргансак, нур устига аъло нур бўларди. Дарҳақиқат, Туркистон тарихининг «қаймоғи» ҳисобланган кушонлар, турк хоқонлиги, сомонийлар, қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Темур ва темурийлар давлатлари ҳақида бирорта йирик асарлар яратилмади. Шунингдек, XVI—XIX асрнинг 60—70-йилларигача ҳукм сурган Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари тарихини ўрганишда ҳам сусткашлик бўлди. Ҳеч бир нарса ўз-ўзидан бўлавермайди. Шу боис, оқни оқга, қорани қорага саралагандек, халқпарвар давлат арбобларини ва бошқа барча табақа вакилларининг кадр-қимматини ўрнига қўйиб, миллатнинг фахри сифатида гавдалантириш лозим. Мустақиллик йиллари бу муҳим масала хусусида олдиндан белгилаб қўйилган назария асосида эмас, балки манбаларни холис ўргангандан кейин хулоса чиқарилмоқда Ҳозирда бу иллатлардан холи бўлиш йўлига ўтилган бўлса-да, лекин ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп... Шунинг учун ҳам динга кўр-

кўрона эргашиб, мутаассибликка берилувчи кишилар топилади. Ҳозирги вақтда жаҳонда асосан конституция, парламент ва демократия тартиблари ҳукм сураётган шароитда динни «сиёсий қурол»га айлантириш ғайритабiiй ҳолдир. Шу боисдан ҳам, тарихий ва диний асарларда ислом динининг асл моҳияти ва йўналишини моҳирона ёритиб, кенг кўламда тарғиб қилиш лозим, деб ўйлайман. Мактабларда бошланғич синфларданок, ўғил-қизларимизга мамлакатимизнинг шонли тарихи ҳақида ҳамда қомусий олимларимиз, саркарда ва буюк шахсларимиз ҳақида маълумот бериб борсак, мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлайман. Шуниси ачинарлики, Спитамен, Темур Малик, Жалолиддин, Маҳмуд Торобий ва Сарбадорлар бошчилигидаги чел эл босқинчиларига қарши олиб борилган умумхалқ курашларининг тарихини ёзишга кўл урилмади. Натижада, она юртимиз мустақиллиги учун жонини фидо қилган кўп минглаб кишиларнинг кадр-қиммати ўрнига кўйилмади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳамид Зиёев. "Тарих - ўтмиш ва келажак кўзгусида" китобидан
2. Интернет манбалири